Вазирлик

**Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб**
**бериш шартномаси**
**13-2022-сон**

**2022 йил 27- сентябр** **Тошкент ш.**

Биз қуйида имзо чекувчилар **“Healthcare Business” МЧЖ** (кейинги ўринларда - Етказиб берувчи) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Р. Саимназаров** бир томондан, **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги** (кейинги ўринларда - Буюртмачи) номидан Низом асосан ҳаракат қилувчи вазир **И. Абдурахмонов** иккинчи томондан, **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда - Тўловчи) номидан Низом асосида иш юритувчи ижро этувчи директор **Б. Охунов** учинчи томондан, **Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Ипакчилик илмий тадқиқот институти** (кейинги ўринларда - Юк қабул қилувчи) номидан Низом асосан ҳаракат қилувчи директор **Ш. Абдулазизов** тўртинчи томондан, Инновацион ривожланиш вазирлиги харид комиссиясининг 2022 йил 16 сентябрдаги баёнига асосан (ЛОТ №135652) қуйидаги мазмунда келишувга эришиб, мазкур шартнома имзоланди.

## I. Шартнома предмети

**1.** Мазкур шартнома ва унинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ Етказиб берувчи маҳсулотни Юк қабул қилувчига топшириш, Тўловчи эса қабул қилинган Маҳсулотни тўлаш мажбуриятини олади.

**2.** Етказиб берувчи, Буюртмачи, Тўловчи ва Юк қабул қилувчилар билан келишган ҳолда шартномада кўрсатилган маҳсулотни қисман ва муддатидан олдин етказиб бериш хуқуқига эга.

**3.** Етказиб бериладиган маҳсулот амалдаги меьёрий-хуқуқий ҳужжатлар (1-сонли иловага мувофиқ), ҳамда Буюртмачининг техник талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

## II. Шартноманинг умумий қиймати ва тўлов шартлари

**4.** Шартноманинг умумий қиймати 15% ҚҚС билан бирга 114 471 000,00 (Бир юз ўн тўрт миллион тўрт юз етмиш бир минг) сўмни ташкил этади.

**5.** Маҳсулотнинг шартномада кўрсатилган қийматини шартноманинг амал қилиш даврида ўзгартириб бўлмайди.

**6.** Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**7.** Шартнома буйича 30 фоиз аванс тўлови ушбу шартнома кучга киргандан сўнг 28 банк иш кунида амалга оширилади;

**8.** Шартноманинг 70 фоиз миқдоридаги суммасини тўлаш учун Етказиб берувчи ва Юк қабул қилувчи томонидан имзоланган ҳисоб-фактура нусхаси ва маҳсулот эксплуатация қилишга тайёр эканлиги тўғрисидаги Буюртмачи ва Юк қабул қилувчи ўртасида тузилган далолатнома асил нусхаси асос бўлади.

**9.** Шартноманинг 70 фоиз миқдоридаги суммасини тўлашда аванс тўловини ҳисобга олган ҳолда 28 банк иш кунида амалга оширилади.

Т. Кабанов С. Тахиров Ю. Фарзоев Ш. Иганбердиев
Юрист

**10.** Шартнома бўйича якуний тўлов амалга оширилганда ҳамда шартнома муддати тугаганда солиштирма далолатнома тузилади.

## III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**11.** Жаримани тўлаш тарафларни шартномавий мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

**12. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

Буюртмачи Юк қабул қилувчининг мазкур шартноманинг 1 ва 2-иловасига мувофиқ тартибда ва техник шартлар асосида маҳсулотни қабул қилиб олганлигини текшириш ҳуқуқига эга. Бунда, агар текширув жараёнида Юк қабул қилувчи томонидан қабул қилинган маҳсулот шартномада назарда тутилган техник талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи Юк қабул қилувчидан кўрилган зарарни тўлиқ хажмдан талаб қилиши ҳамда Юк қабул қилувчи мазкур зарарни тўлиқ қоплаб беришга мажбур;

шартноманинг 3-банди талабларига мос бўлмаган маҳсулот етказилганда тўловдан бош тортиш, агар тўлов амалга оширилган бўлса, маҳсулотни сифатлисига алмаштириб беришни ёки тўланган маблағни қайтаришни талаб қилиш.

**13. Тўловчининг ҳуқуқлари:**

шартноманинг 3-банди талабларига мос бўлмаган маҳсулот етказилганда тўловни амалга оширмаслик;

етказиб берувчи томонидан тўлов учун тақдим этиладиган ҳар қандай ҳужжатлар нотўғри ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаганда Етказиб берувчига қайтариш, бунда, қасддан нотўғри ҳужжатлар тақдим этилганда Тўловчи томонидан зарур тўловни амалга ошириш муддати чўзилганда Етказиб берувчи даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас.

**14. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:**

Буюртмачи ва тўловчидан шартномадан белгиланган муддатда ва тартибда зарур тўловни тўланишини талаб қилиш.

**15. Юк қабул қилувчининг ҳуқуқлари:**

Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган махсулот сифатсиз, яроқсиз, эски, ишлатилган ҳамда 2022 йилда ишлаб чиқарилган бўлмаса, қабул қилишни рад этиш;

Етказиб берувчидан маҳсулотни белгиланган муддатларда етказилмаган холда қабул қилишни рад этиш.

**16. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

Шартнома ва унинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ етказиб берилган маҳсулотни қабул қилинишини таъминлаш.

**17. Тўловчининг мажбуриятлари:**

шартномада белгиланган муддатларда ва тартибда, тўловни амалга ошириш;

маҳсулот ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Тўловчи Етказиб берувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун (дам олиш ва расмий байрам кунларидан ташқари) тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, лекин ушбу сумманинг 10 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**18. Етказиб берувчининг мажбурияти:**

Етказиб берувчи маҳсулотга 12 ой кафолат муддати бериши, кафолат муддати ускуна ишга туширилган ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб кучга кириши;

шартномада ҳамда унинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ белгиланган миқдорда ва ассортиментда ҳамда маҳсулотни тўлиқ ва зарар етказилмаган ҳолда етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек 2022 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиши шарт;

Буюртмачига маҳсулот билан биргаликда амалдаги қонунчиликка мувофиқ тегишли ҳужжатларни шу жумладан, мувофиклик сертификати (Конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда) ва ускунадан фойдаланиш бўйича қўлланмани тақдим қилиш;

маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун Етказиб берувчи Тўловчига ҳар бир кечиктирилган кун учун (дам олиш ва расмий байрам кунларидан ташқари) топширилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ, етказиб берилмаган маҳсулот кийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди;

сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган маҳсулотни топширганлик, шунингдек бутланмаган маҳсулотни топширганлик учун Етказиб берувчи маҳсулот қийматининг 20 фоизгача миқдорида Тўловчига жарима тўлайди.

**19. Юк қабул қилувчининг мажбуриятлари:**

ускунанинг ҳолати ва ундан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш учун Буюртмачига барча зарур шарт шароитларни яратиб бериш;

Буюртмачига асбоб-ускунадан фойдаланиш ва лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан шартнома муддати давомида йиллик ҳисоботлар тақдим этиб бориш;

янги асбоб ускуналардан янада самаралироқ фойдаланишни ўрганиш ва ўз йўналишларига оид паралел равишда хорижда ишлатилаётган асбоб ускуналарни ишлатиш бўйича илмий ходимлар билим ва кўникмасини хосил килиш мақсадида уларнинг таркиби ва иш тажрибасига оид маълумотларни тақдим этиш;

ускунани шикастланишдан ва унинг конфигурациясидаги ўзгаришлардан, шунингдек ускунани (ёки унинг бир қисмини) талон-тарож қилишдан ва унинг ҳолатини ёмонлаштирадиган бошқа ҳаракатлардан ҳимоя қилиш;

Юқ қабул қилувчи ускунани олиш мақсадида мазкур ускунани истиқболда ишлатишга таъсир қилувчи ҳар қандай тўсиқни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

мол-мулкни ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаган ва лаборатория асбоб-ускуналарини ўрнатиш учун бинолар бўлмаган тақдирда, Юк қабул қилувчи Буюртмачи ва Етказиб берувчи томонидан кўрилган зарарларни қоплайди;

Юк қабул қилувчи амортизация муддати доирасида, ускунанинг бутунлиги, тўлиқлиги ва ишлаши учун жавобгардир;

Буюртмачи вакиллари томонидан мониторинг ўтказилганда асбоб-ускуналар ҳолатининг ёмонлашуви аниқланган ва айрим қисмларининг талон-тарож қилинганлиги, ишга яроқсиз (бузиқ) ҳолатдалиги аниқланган тақдирда, Юк қабул қилувчи асбоб-ускуналар ёмонлашуви аниқланган пайтдан бошлаб, унинг тўлиқ тикланиш вақтига қадар ҳар бир кун учун ускуналар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, лекин жами ускуналар қийматидан 10 фоизидан ошмаслиги керак. Юк қабул қилувчи субсидиар тартибда масъул ёки айбдор шахсдан жарима суммасини ундиришга ҳақли.

## IV. Етказиб бериш шартлари

**20.** Маҳсулотни Юк қабул қилувчининг омборхонасига тўлиқ ва зарарсиз етказиб бериш шартноманинг 1-иловасига мувофиқ кўрсатилган муддатда Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади. Юк қабул қилувчининг омборхонаси:

- Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасини Ипакчилик илмий тадқиқот институти, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Ипакчи кўч., 1.

**21.** Махсулот етказиб берилган сана, махсулотнинг Юк қабул қилувчининг омборига келиб тушган куни хисобланади.

## V. Маҳсулотни кабул килиш ва топшириш шартлари

**22.** Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, маҳсулотни қабул қилган вактдан бошлаб Буюрмачига ўтади.

**23.** Етказиб берилаётган махсулот Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меьёрий хужжатлари ва нормативлари (1-сонли иловага мувофик) асосида қабул қилинади.

**24.** Юк қабул қилувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

**25.** Юк қабул қилучи ўзи қабул қилган маҳсулотни қонун ҳужжатларида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши шарт.

**26.** Агар маҳсулотни шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган муддатда етказиб беришнинг имкони бўлмаса, Етказиб берувчи бу хақда Буюртмачини огохлантириши лозим. Бироқ, шартноманинг 18-бандига асосан ўз вақтида етказиб бермаган маҳсулот учун пеня тўлаб бериши шарт.

**27.** Асбоб ускунани созлаш ва ишга тушириб бериш Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади. Юк қабул қилувчининг ходимларига ускунадан фойдаланишни ўргатиш учун Етказиб берувчи ўз ҳисобидан ўзининг мутахассисларини Юк қабул қилувчининг манзилига юборади.

## VI. Рекламацияларни кўриб чиқиш тартиби

**28.** Рекламация етказиб бериладиган маҳсулот амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабига (1-сонли иловага мувофик), Буюртмачининг техник талабларига ва Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилаётган бошқа талабларга жавоб бермаганда берилиши мумкин.

**29.** Буюртмачи маҳсулот сифати ва техник курсаткичлари бўйича рекламацияни кафолат муддати давомида бериши мумкин.

**30.** Агар кафолат муддати даврида ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган талаблар асосида маҳсулотни эксплутация қилишга қарамасдан маҳсулот ишдан чикса, етказиб берувчи ўз ҳисобидан қуйидагиларни амалга оширади:

кафолат муддати давомида маҳсулот ишдан чиқса ускунанинг мураккаб тузилма эканлигини хамда муаммонинг турини хисобга олган холда 90 банк куни муддатгача тўлиқ таъмирлаб бериш ёки таъмирлаш имкони булмаганида 120 банк куни мобайнида янгисига алмаштириб бериш.

**31.** Сифатсиз маҳсулот ёки кафолат муддати давомида ишдан чиққан маҳсулот юзасидан нуқсонларни аниқлаш далолатномасини расмийлаштириш учун буюрмачи ёзма

равишда Етказиб берувчига маълум қилади (факс ёки бошқа алоқа усулидан фойдаланган холда). Нуқсонларни аниқлаш далолатномасини расмийлаштириш санаси ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг 3 кун ичида амалга оширилиши керак.

Ёзма хабарномада қуйидагилар қайд этилган бўлиши керак:

биргаликда текширилиши кутилаётган маҳсулотнинг номи, миқдори;

маҳсулот сифати бўйича шикоятнинг мохияти;

маҳсулот фойдаланилган муддат давомийлиги;

Етказиб берувчи томонидан вакилни жўнатиш вақти ва жойи;

бошқа масалалар.

**32.** Сифатсиз маҳсулот бўйича далолатнома расмийлаштириш учун Етказиб берувчи томонидан вакил тақдим этилмаган тақдирда, Буюрмачи мустақил равишда экспертларни ёки бошқа бетараф ташкилот вакилини жалб қилган ҳолда расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

**33.** Буюртмачи вакили бир тарафлама шикоят далолатномасини қуйидаги ҳолларда расмийлаштириши мумкин:

Етказиб берувчи вакилининг сабабсиз келмаслиги;

ёзма шикоят хабарномасига жавоб берилмаслиги.

## VII. Низоларни ҳал қилиш

**34.** Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар ўртасида келишувга эришилмаса низолар Тошкент туманлараро иқтисодиёт судида ҳал қилинади.

## VIII. Форс мажор

**35.** Тарафлар ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажариш мажбуриятидан ёнғин, сув тошқини, ер қимирлаши, уруш, қамал, қатъий карантин чоралари жорий этиш ҳукумат томонидан маълум қилинган тақдирда озод этилиши мумкин. Форс-мажор ҳолатлари юзасидан шартнома бекор қилинган тақдирда Етказиб берувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати ҳисобга олинган Буюртмачи томонидан тўланган бўнак қисман ёки тўлиқ қайтарилади.

Юқоридаги холатлар юз берганда 5 кун ичида томонлар ёзма равишда бир бирини огоҳлантириши шарт.

**36.** Форс-мажор холатларига кўра Етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб берилмаса аванс тўлови 30 фоиз, 10 иш куни ичида Буюртмачига қайтариб берилади.

## IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

**37.** Ушбу шартнома тарафлар имзолагандан сўнг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида руйхатга қўйилганидан сўнг кучга киради ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунича амал қилади.

## X. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

**38.** Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда тарафларнинг ўзаро келишувига биноан амалга оширилади.

## XI. Бошқа шартлар

**39.** Мазкур шартнома бйича ўз мажбуриятларини хеч бир тараф бошқа шахсга тарафларнинг розилигисиз ўтказмайди.

**40.** Мазкур шартнома ва унинг 1-3-иловалари ўзбек тилида, бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада, ҳар бир томон учун тузилган.

**41.** Мазкур шартноманинг 3-иловасида "Коррупсияга қарши изоҳ" байён этилган.

**42.** Тарафларнинг тўлов реквизитлари ўзгарган тақдирда бир тараф бошқа тарафни огоҳлантиради.

## XII. Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:**

**«Healthcare Business» МЧЖ**

Юридик манзил: Тошкент ш., Яшнабод т., Элбек кўч., 8 уй
Тел: +99895 193-00-81, +99895 143-00-81, +99871 254-77-99
х/р: 20214000905021593001. МФО: 00440. Ўзсаноатқурилишбанк Мирзо Улугбек. БХМ, СТИР: 207172654, ОКОНХ: 71150,

Директор: ________________ Р. Саимназаров

**БУЮРТМАЧИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги**

Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Университет кўчаси, 7 уй
Банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банк
Ҳ/р. : 23 402 000 300 100 001 010

Вазир: ________________ И. Абдурахмонов

**ТЎЛОВЧИ**

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси**

Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Университет кўчаси, 7 уй
Тел.:+ 99871 203 17 00
Тошкент Банк: "Саноат Қурилиш Банк" АТБ
х/р: 20 212 000 200 791 541 001,
МФО: 00440, ИНН: 304999794
Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги
х/р: 23402000300100001010 
х/р: 302810860262807015401254005

Ижро этувчи директор: ________________ Б. Охунов

**ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Ипакчилик илмий тадқиқот институти**

Манзил: 100055, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Ипакчи кўч., 1.
Тел.: +99871 249-83-56, +99893 563-03-83

Директор: ________________ Ш. Абдулазизов

2022 йил 27.09 даги 13-2022 сон шартноманинг
1 – сонли илова

**Маҳсулотнинг тавсифи**

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бир-лиги | Со-ни | Етказиб бериш муддати | 1 донасини нархи ҚҚС билан | Монтаж, ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилиши, ходимларни ўқитиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҚҚС билан | Ишлаб чиқарув-чи | Умумий қиймати ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг Ипакчилик илмий тадқиқот институти** | | | | | | | | |
| 1 | Лаборатория $CO_2$ инкубатори COQH-300 | туплам | 1 | Аванс туловидан кейинги 90 кун ичида | 94 471 000,00 | 20 000 000,00 | Zhejiang Leikon Manufacture CO., LTD Хитой | 114 471 000,00 |
| **Жами:** | | | | | | | | 114 471 000,00 |

**Бирюз ўн тўрт миллион тўрт юз етмиш бир минг сўм (ҚҚС билан)**

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:**

**«Healthcare Business» МЧЖ**

Директор: ____________ Р. Саимназаров

**БУЮРТМАЧИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги**

Вазир: ____________ И. Абдурахмонов

**ТЎЛОВЧИ**

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси**

Ижро этувчи директор: ____________ Б. Охунов

**ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Ипакчилик илмий тадқиқот институти**

Директор: ____________ Ш. Абдулазизов

(П. Кадамов) (С. Тахиров) (Ю. Мамадаев)

2022 йил 27.09 даги 13-2022-сон шартноманинг
2 – сонли илова

**ТЕХНИК ВАЗИФА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИПАКЧИЛИК ВА ЖУН САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ УЧУН ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ СОТИБ ОЛИШ

**Лойиҳани амалга ошириш учун асос**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”даги 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори ҳамда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув Кенгашининг 2022 йил 1 февралдаги 3-сон қарорига асосан.

**Умумий талаблар**

Етказиб бериладиган товарлар қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиши керак:

- товарларни суғурталаш таъминотчининг ҳисобидан амалга оширилади;

- ускуналар ишлаб чиқарувчининг меъёрий-техник ҳужжатлари, қадоқлаш ва қадоқлаш учун мажбурий қоидалар ва талабларга жавоб берадиган махсус пакетда етказиб берилади. Пакет ортиқча юкларни ва узоқ муддатли сақлашни ҳисобга олган ҳолда уни ташишнинг бутун муддати давомида ускунанинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаши керак;

- ускунанинг бутун хизмат муддати учун операцион харажатлар ва ҳар бир ускунанинг қувват сарфи (техник ва хизмат кўрсатиш таъминоти, еҳтиёт қисмлар ва бошқалар) тўғрисида маълумот бериш.);

- етказиб бериш шартлари: хорижий етказиб берувчилар учун - Тошкент шаҳри CIP, маҳаллий етказиб берувчилар учун-қабулхона омборига (Ипакчилик илмий-тадқиқот институти) Тошкент, Ипакчи кўчаси., 1;

- кафолат муддати ускуна ўрнатилганидан сўнг 12 ойдан кам бўлмаслиги керак

- ишга туширилган вақтдан бошлаб. Агар қабул қилингандан сўнг, товарлар нуқсонли, тўлиқсиз бўлиб чиқса ва ушбу техник спецификация талабларига жавоб бермаса, шу жумладан кафолат муддати давомида пудратчи нуқсонларни бартараф этишга, уларни тўлдиришга ва нуқсонларни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, товарларни янги техник кўрсаткич билан алмаштиришга мажбурдир биринчиси, шартнома шартларига мувофиқ мижоздан ёзма хабарнома олгандан кейин. Нуқсонларни бартараф етиш, қайта жиҳозлаш ва алмаштириш билан боғлиқ барча харажатлар етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.;

- маҳсулотнинг кафолат муддати давомида тезкор таъмирлаш учун барча зарур эҳтиёт қисмлар ускуналарни етказиб бериш тўпламида тақдим етилиши керак ёки агар кафолат муддати давомида бирон бир носозлик юзага келса, таъмирлаш учун зарур бўлган барча еҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри ёки унинг вакили орқали таъмирланиши керак. Келажакда ускуналар ва сарф материалларининг барча еҳтиёт қисмлари бозорда мавжуд бўлиши керак;

- ускуналарга техник хизмат кўрсатишнинг кафолат муддати тугагандан сўнг, пудратчи корхона томонидан ускуналар ҳисобдан чиқарилгунга қадар тузилган йиллик шартномага мувофиқ етказиб берилган ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни таъминлаши керак.

Агар буюртмачи ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича шартнома тузишни талаб қилмаган бўлса, пудратчи белгиланган хизматни кўрсатмаслик ҳуқуқига ега;

- етказиб берилаётган ускунада қалбакилаштириш белгилари, яъни товар белгилари эгаларининг расмий розилигисиз асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчисининг товар белгиларидан рухсатсиз фойдаланиш ёки қўлланилганлиги бўлмаслиги керак;

- ускуналар амалдаги ва/ёки Ўзбекистон Республикасида тан олинган халқаро стандартлар, нормалар ва қоидалар талабларига, шунингдек эстетика, меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, таъмирлаш ва санитария шароитида ишлов бериш имкониятига ега бўлиши, ушбу турдаги маҳсулот учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган сифат ва хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак;

- маҳсулот янги, илгари ишлатилмаган, таъмирланмаган бўлиши керак, шу жумладан тиклаш, таркибий қисмларни алмаштириш, истеъмол хусусиятларини тиклаш, ишлаб чиқарилган санаси 2022 йилдан кейин бўлиши керак;

- етказиб бериш вақти 30% олдиндан тўлов кунидан бошлаб 90 кун. Ускуналарни муддатидан олдин етказиб бериш мумкин.

**Лаборатория $CO_2$ инкубатори.**
**( Лабораторный $CO_2$ инкубатор *)**

| № | Талабалар номи | Техник шартлар мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Товарларнинг тавсифи (функционал хусусиятлари ва истеъмол хусусиятлари) | Гипоксик ёки гипероксик шароитда ҳужайра маданияти ва individual оммавий ахборот воситалари муаммоларини ҳал қилиш учун Ўная ва/ёки Нунту даражасини бошқариш қобилиятига ега лаборатория ко-инкубатори. |
| 2 | Товарларни сотиб олиш мақсади | Биотехнология соҳасида пиллачилик маҳсулотларининг турли хил материалларининг термостатик бошқариладиган микробиологик намуналари билан илмий тадқиқотлар ўтказиш учун инкубатор. |
| 3 | Товарларнинг зарур техник хусусиятлари* | - Сооглобин оралиғи, жилд. % - 0 дан 20 гача;<br>- камеранинг ички ҳажми, л-265 дан кам бўлмаган;<br>- температура оралиғи, с — +5 дан + 60 гача;<br>- микропроцессор ҳароратини назорат қилиш;<br>- 37 да ҳароратни сақлаш аниқлиги с (К) — 0.1;<br>- 37 да температуранинг бир ҳиллиги с (К) — 0.4;<br>- намлик, % - 90-95 (37тақдимотқўрсаткичларида);<br>- намлаш тизими-пастки иситиш елементи устида жойлашган намлаш тепсисидан сувнинг табиий буғланиши;<br>- ҳарорат ва сооглобнинг даражаси кўрсаткичи учун рангли сенсорли екран, сигналлар;<br>- Камерадаги соическая ўзгаришига юқори сезувчанлик билан ажралиб турадиган ир соуку сенсори, ҳатто тез-тез ешик очилиши билан ҳам камерадаги соуку даражасининг тез тикланишини таъминлайди, sensor стерилланади;<br>- созлаш диапазони ооглобин, вол. % - 0,2 дан 25 гача (standart);<br>- токчалар сони, камида, дона-8;<br>— максимал умумий юк, кг дан кам бўлмаган-30;<br>- insert жавонига максимал юк, кам емас, кг — 10;<br>- ички shisha ешик, дона — 1;<br>- ташқи ешик, дона. — 1;<br>- потенциал бепул signal билан алоқа;<br>- Ethernet компютерига уланиш учун интерфейс;<br>- USB улагичи;<br>- 180 да юқори ҳароратли стериллаштушунчаси с;<br>- Со сенсоромрадер ишлашида носозлик юз берган тақдирда сооглобин даражасини автоматик таъминлаш тизими;<br>- таъминот кучланиши-220В + / -10% ва тармоқ частотаси-50ҳз + / - 0.2 Ҳз<br>- ГОСТ 15150-69 бўйича иқлим дизайни<br>- ускунанинг "ўлчаш, бошқариш ва лаборатория ишлатиш учун електр жиҳозларининг хавфсизлиги" давлатлараро стандартига мувофиқлиги ИЕС 61010-1: 2001 |
| 4 | Конфигурация талаблари | 1. Лаборатория инкубатори-1 тўплам. |

| № | Талабалар номи | Техник шартлар мазмуни |
| --- | --- | --- |
| | | Тўлик иш учун барча керакли аксессуарлар билан тўлик ишлайдиган тўпламда бўлиши керак.<br>2. Рус ёки инглиз операцион кўрсатмалар-1 компютер. |
| 5 | Товарларни сақлаш ва ишлатиш учун талаблар | 1. Тақдим етилган маҳсулот ишлашга яроқли бўлиши, барча таркибий қисмларни ўз ичига олиши ва ишга тушириш ва ишга тушириш учун електр ва интерфейсли уланиш кабеллари тўплами билан таъминланиши керак, шу жумладан, агар керак бўлса, тегишли ускуналар билан интеграция қилиш учун кабел уланишлари, ускуналарни компютер билан бирлаштириш учун дастурий таъминот (дискда).<br>2. Кафолат ва хизмат кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий хизмат кўрсатиш маркази ёки ишлаб чиқарувчи / етказиб берувчининг вакили амалга ошириши керак. |
| 6 | Ускунани ўрнатишни назорат қилиш, ишга тушириш ва синовдан ўтказиш учун талаблар. | Ускуналар етказиб берилгандан сўнг, етказиб берувчининг техник мутахассиси (малакаси ускуналар ишлаб чиқарувчисининг расмий сертификати билан тасдиқланган) ўрнатиш ва ишга тушириш ишларини, шунингдек ускуналарни синовдан ўтказиши керак. Ускунани етказиб бериш 3-бандда кўрсатилган асосий кўрсаткичлар намойиш етилгандан ва фойдаланувчи иштирокида тегишли ускунани қабул қилиш сертификати бажарилгандан сўнг тугалланган ҳисобланади. |
| 7 | Кадрлар тайёрлаш талаби | Етказиб берувчи операцион қўлланмага мувофиқ камида 2 kishi учун жойида ўқитишни таъминлаши керак. |
| 8 | Ҳужжатлар товарлар ва сарф материаллари зарур миқдори билан бирга ўтказилиши | 1. Етказиб берилаётган ускуна ва унинг ёрдамчи жиҳозлари рус (ёки инглиз) тилида ишловчи қўлланмалар билан таъминланган бўлиши керак.<br>2. Етказиб берувчи ускуналар билан биргаликда келиб чиқиш сертификати (асл нусхаси сертификати), мувофиқлик сертификати (мувофиқлик сертификати), сифат сертификати (сифат сертификати) ни юбориши шарт.<br>3. Товарларни қабул қилиш буюртмачи худудида икки томон томонидан имзоланган қабул қилиш ва топшириш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади.<br>4. Шунга ўхшаш параметрларга ега ускуналар талаб қилинган конфигурациядан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш учун тўлиқ жиҳозланган ва ишлайдиган бўлиши керак. |
| 9 | Етказиб бериш шартлари<br>Яроқлилик муддати | 30% олдиндан тўланган кундан бошлаб 90 банк кунидан кўп бўлмаган;<br>камида 10 йил. |

2022 йил 27.09 даги 13-2022-сон шартноманинг
3 – сонли илова

# Коррупцияга қарши изоҳ

1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш пайтида асоссиз устунлик ва фойдага эга чиқиш ёки бошқа номувофиқ мақсадларда Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон-бир пул ёки қийматни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ёки тўлашга рухсат бермайдилар, бу шахсларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига бирон бир ма'лумотни олиш учун та'сир кўрсатишга рухсат бермайдилар.

2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) мақсадида Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу Шартнома мақсадлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган пора бериш/олиш, тижорат порахўрлик, шунингдек, коррупсияга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

3. Агар Томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидалари бузилган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тегишли Томон ёзма равишда хабардор қилинган тақдирда, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабар юборилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида юборилиши керак.

4. Ёзма хабарномада Томонлардан бири, унинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқлайдиган ёки ишониш учун асос берадиган фактларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим этиши шарт. амалдаги қонун ҳужжатларида пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатлар сифатида тавсифланган ҳаракатларда ифодаланади.

5. Агар Томонлардан бири ушбу Битимнинг 1-бандида тақиқланган ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортиш мажбуриятларини бузган бўлса ва/ёки бошқа Томон ушбу шартномада белгиланган муддатда бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги тўғрисида тасдиқлов олмаган бўлса, бошқа Томон шартномани тўлик ёки қисман бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Ушбу Шартнома Коррупсияга қарши кураш тўғрисидаги бандга мувофиқ ташаббуси билан бекор қилинган Томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil «27» sentabr № 525 Toshkent sh.

## Илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, илмий лабораториялар учун асбоб-ускуналарни харид қилиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг:

30-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули амалиётга жорий этилганлиги;

56-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, **Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари** билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг қийматидан қатъи назар, энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий лабораторияларга харид қилинадиган асбоб-ускуналар республикада ишлаб чиқарилмаслиги, техник жиҳатдан мураккаб тузилишга эгалигини инобатга олган ҳолда ҳамда харид жараёни талабларини соддалаштириш мақсадида қийматидан қатъий назар, илмий лаборатория асбоб-ускуналарни **энг яхши таклифларни танлаш** асосида харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, илмий лабораторияларга харид қилинадиган республикада ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар илмий ташкилотлар томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий илмий ва юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар, зарур сарфлаш материаллари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш учун буюртмалар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

буюртмаларни амалга оширишда лойиҳалар портфелини қабул қилиш ҳамда эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш;

лойиҳалар портфелини кўриб чиқиш ва буюртмалар рўйхатини шакллантириш ҳамда тасдиқлаш;

буюртмаларни молиялаштириш, шартномалар тузиш, етказиб бериш, давлат харидларини амалга ошириш ҳамда фойдаланиш тартиби.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича харидларни ташкил этишни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 февралдаги 63-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “27” сентябрдаги 525-сон қарорига
илова

**Илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида**
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом илмий ташкилотлар лабораторияларини республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи** – республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий илмий асбоб-ускуналар, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмларни харид қилишга эҳтиёжи бўлган, республика ҳудудида жойлашган илмий ташкилотлар;

**эксперт гуруҳи** – буюртмалар рўйхатини шакллантириш, маъқуллаш ёки рад этиш, шунингдек, буюртмалардан фойдаланиш натижалари тўғрисида хулоса бериш ваколатига эга бўлган Инновацион ривожланиш вазирлигида тузиладиган коллегиал орган;

**юқори турувчи орган** – тизимида илмий ташкилотлар бўлган вазирлик ёки идора ҳисобланган, тегишли илмий ташкилотларнинг буюртмалари бўйича лойиҳалар портфелини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига (кейинги ўринларда – Инновацион ривожланиш вазирлиги) тақдим этувчи ташкилот;

**буюртмалар** – республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий илмий ва юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар, шунингдек, битта шартномага мувофиқ биргаликда етказиб бериладиган ушбу асбоб-ускуналарнинг ажралмас қисми ҳисобланган зарур сарфлаш материаллари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар.

3. Буюртмалар бўйича лойиҳалар портфели ҳар йили 1 ноябрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлигига юқори турувчи орган томонидан тақдим этилади. Бунда 1 ноябрдан сўнг Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилган лойиҳалар портфели қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

4. Илмий лаборатория асбоб-ускуналари, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмларнинг бошланғич (дастлабки) нархини аниқлаш, белгилаш ва тақдим этилган маълумот (ҳужжат)ларнинг ишончлилиги ҳамда ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик буюртма берган вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига юкланади.

шартнома (қўшимча келишув) қонунчилик талаблари асосида тузилмаган бўлса, буюртмачига камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади;

шартнома (қўшимча келишув) қонунчилик талаблари асосида тузилган бўлса, юқори турувчи орган кузатув хати билан Жамғарма ижро этувчи дирекциясига тақдим этади ёки электрон шаклда почта манзилига юборади.

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси тақдим этилган шартномага (қўшимча келишувга) асосан буюртмачининг тегишли ҳисобварағига маблағларни ўн иш куни ичида ўтказади.

37. Мустақил равишда амалга оширилган харидлар белгиланган тартибда ташкил этилганлиги ва ўтказилганлиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, тузилган шартноманинг (қўшимча келишув) ҳақиқийлиги учун буюртма берган буюртмачилар ва уларнинг юқори турувчи орган раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

38. Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул этиб белгиланган ходими Жамғарма шахсий ғазна ҳисобварағидан махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидлари тўғрисида эълон жойлаштиради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни энг яхши таклифларни танлаш асосида улар билан буюртмаларни етказиб бериш (шу жумладан, зарурат бўлганда, буюртмаларни илмий ташкилотга етказиб бериш, ишга тушириш-созлаш ва бошқа ўзига хос ишларни амалга ошириш) учун тегишли шартномалар тузади.

Тузиладиган шартномаларда Инновацион ривожланиш вазирлиги “Буюртмачи”, Жамғарма ижро этувчи дирекцияси “Молиялаштирувчи”, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи “Етказиб берувчи” ва тегишли илмий ташкилот “Қабул қилувчи” (фойда кўрувчи) тарафлар сифатида қатнашади.

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан тузилган шартномаларда белгиланган валюта бирлигида Етказиб берувчи билан ҳисоб-китоблар бевосита (Жамғарма ўз номидан Етказиб берувчилар номига хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварағидан аккредитив очиш орқали ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ барча молиявий операциялар билан боғлиқ тўловлар) тўлаб берилади.

## 4-боб. Етказиб берилган буюртмалардан фойдаланиш тартиби

39. Буюртмачи буюртмалар етказиб берилган йилдан кейинги календарь йилидан бошлаб беш йил давомида ҳар йили камида бир марта буюртмалардан фойдаланиш ва эришилган натижалар юзасидан Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобот тақдим этади.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кузатув кенгаши раисининг ўринбосари**

**И. Абдурахмонов**

2022 йил “12” март

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши мажлисининг**
**3-сон Баёни**

2022 йил “01” февраль Тошкент шаҳри

| | | |
|---|---|---|
| **Раислик қилди:** | – | **И.Ю. Абдурахмонов -** Ўзбекисон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири, Кузатув кенгаши раиси ўринбосари; |
| **Қатнашдилар:** | – | Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Кузатув кенгаши аъзолари *(рўйхат бўйича)* |

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2022 йилги даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш.
3. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг 2022 йилги штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
